

Сийрат дарслари (202-дарс) Бадгумонлик энг ёмон ёлғончиликдир



00:21 / 29.10.2022 3595

777. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг қариндошларим бор. Мен уларга силаи раҳм қиламан, улар уни кесишади. Мен уларга яхшилик қиламан, улар менга ёмонлик қилишади. Мен уларга ҳалимлик қиламан, улар менга жоҳиллик қилишади», деди. **«Агар сен ўзинг айтганингдек бўлсанг, худди уларга иссиқ кулни едираётгандексан. Модомики, шу ҳолда бардавом бўлар экансан, Аллоҳ томонидан сен билан бирга уларнинг зиддига бир ёрдамчи бўлади»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

778. Салмон ибн Омир розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи вассалам: **«Албатта, мискинга қилган**

садақанг битта садақадир. Қариндошингга қилган садақанг иккита: ҳам садақа, ҳам силаи раҳмдир», дедилар».

Насоий, Ибн Можа, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

779. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Ҳасадлашманглар, нажш қилишманглар. Бир-бирингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга қарши тадбир қилманглар. Баъзингиз баъзингизнинг савдоси устига савдо қилмасин. Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар. Муслмон муслмоннинг биродаридир. У унга зулм ҳам қилмайди, ташлаб ҳам қўймайди ва уни паст ҳам санамайди. Тақво мана бу ерда, - деб кўксиларига уч марта ишора қилдилар. - Муслмон кишининг ёмонлиги учун муслмон биродарини ҳақорат қилишининг ўзи етарлидир. Муслмонга муслмоннинг ҳамма нарсаси ҳаромдир: қони ҳам, моли ҳам, обрўси ҳам. Албатта, Аллоҳ жасадларингизга ҳам, сувратларингизга ҳам назар солмайди, балки қалбларингизга назар солади». Бармоқлари билан кўкракларига ишора қилдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Бадгумонликдан сақланинг. Албатта, бадгумонлик энг ёмон ёлғончиликдир. Пойлаш ва жосуслик билан шуғулланманг. Бир-бирингизни ёмон кўрманг. Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар. Киши ўз биродари совчилиги устига, то ундан олдинги совчи тарк қилгунча ёки унга изн бергунча, совчи қўймасин», дейилган.

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан